

*Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот – кутубхона маркази  
Ахборот – библиография хизмати*



**Ҳунар ва ҳунармандчилик  
– кишининг зийнатидир**

Библиографик адабиётлар шархи



**Андижон - 2022**

## **“Хунар ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт”**

Шавкат Мирзиёев

### **Кириш**


Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибор ташаббуслари билан ўтган 4-5 йилда ҳунармандчиликни ривожлантиришга жуда катта имкониятлар яратилди. Шунингдек, бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021-йиллар мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ҳамда 2021-йил 30-декабрдаги “Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-77-сонли қарори мисолдир. Бунинг натижасида, миллий ҳунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали ҳалқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини сақлаб қолиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар ва ёшларнинг ҳунармандчилик билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Юртимизда қадимдан касб маҳорати сир-асрорларини, йиллар давомида орттирилган ҳаётий таржибани авлоддан-авлодга ўтказиш урф-одатга айланган бўлиб, унинг натижасида тотувлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва фахр туйғуси шаклланиб боради. Сўнгги йилларда юртимизда камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Албатта, аҳолини иш билан таъминлаш, уларга муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитларини яратиб бериш борасида изчил ишлар амалга оширилар экан, унинг самарали натижаси фаровонлик, тўкинлик ва инсонлар турмуш даражасининг юқорилиги билан белгиланади.

Ушбу “Ҳунар ва ҳунармандчилик – кишининг зийннатидир” мавзусидаги библиографик шарҳ кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, миллий ҳунармандчилик ҳақида ёзилган адабиётлар ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади.

# “ЎЗБЕКИСТОН ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЬАТИ”

## ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ



Халқимзинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган ва яратилаётган ўзбек халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг

эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий маданиятни тарғиб этиш - шахс учун муҳим бўлган қатор сифатларни ривожлантириш, шунингдек, ўқувчиларни миллий меросимиз ҳамда у умуминсоний қадриятлар билан яқиндан таништиришга хизмат қиласи.

Ушбу 2 жилдлик “Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати” энциклопедиясида ўзбек халқ амалий санъати, тарихи ва назарияси, миллий ҳунармандчилик турлари, амалий санъат усталари, ҳунармандларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни атрофлича жамлашга ҳаракат қилинган. Мазкур энциклопедия хронологик жиҳатдан Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган ибтидоий давр маданиятидан бошлаб, ҳозирги давргача бўлган халқ ҳунармандчилиги ва санъатини ифодаловчи мақолалар билан бойитилди. Энциклопедияга 1000 дан ортиқ ҳунарманд – усталар киритилган бўлиб, жумладан, қадимда яшаб ўз мактабларини яратган, тарихий обидаларни қурилиш ва таъмирлашда иштирок этган, Ўзбекистон мустақиллиги даврида ижод қилган республикамиз ва бошқа нуфузли танловларда иштирок этган, давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳунармандлар энциклопедиядан жой олган.

Энциклопедия атамаларни тушунишдаги ҳар хилликка барҳам беради. Халқ усталарининг ютуқлари билан ўқувчиларни таниширишда ҳамда ёшларнинг ўзбек халқ амалий санъатини мустақил ўрганишда муҳим ўрин тутади.

### Китоб ранг-баранг суратлар



улар ҳақида китобдан ўзингиз батафсил ўқиб яқиндан ташишишингиз мумкин бўлади.

Ушбу энциклопедия умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, уста-шогирд анъаналари асосида хунар ўрганаётган ўқувчилар, шунингдек, санъатшунослар ва уста-хунармандлар, қолаверса, юртимиз ўтмиши билан қизиққан барча китобхонлар учун қимматли маънавий манба бўла олади.

**Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати: [Матн] энциклопедия. 2 – жилдлик / А. Ҳакимов ва б. - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2016.**

**Ж. 1 : Абдуберун - Оҳорлаш, 2016. - 496 б.**

**Ж. 2 : Павильон- Ҳусниҳат. - 2017. – 432 б.**



билан бойитилган бўлиб, супермуқовада, икки минг нусхада чоп этилган. Энциклопедияда қадимий миллий матолар, безаклар, нақшлар, лиbosлар, синч, шифт, гумбазлар безаклари, усуллар, устаю-устазодалар, сулолалар ва бошқа жуда кўп маълумотлар билан таниширади,


## “МУСТАҚИЛ ЙОРТ ҲУНАРМАНДЛАРИ”

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентинг 31 март 1997 йилги “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 1741 – сонли фармонига асосан “Ҳунарманд уюшмаси” ташкил этилди. 1997 йилдан 2008 йилга қадар Уюшма “Мусаввир” илмий ишлаб чиқариш маркази таркибида эди. Республикализнинг барча вилоят ва туманларида уюшманинг бошқарма ва бўлимлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда Республика бўйича 13 та бошқарма, 153 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Уюшма томонидан ҳунармандларга ҳар томонлама кўмак берилиб, қўллаб – қувватлаб, уларнинг хуқуqlари ҳимоя қилиниб келинмоқда. Ҳар йили улар иштирокида турли кўргазмалар, аукционлар, танловлар ўтказилади.

Ҳукуматимизнинг қўллаб – қувватлашидан руҳланган ҳунармандлар янада сифатли, харидорбоп, юксак дизайнга эга санъат асарларини яратмоқдалар. Йилдан-йилга “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпайиб бормоқда.

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд уюшмаси”нинг мустақиллик йилларидағи жўшқин фаолияти, уюшмада амалга оширилган ишлар, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Китоб “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятига қизиқувчиларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.




**Қурбонов, М. Р, Мирзаева, Л. М. Мустақил юрт ҳунармандлари: [Матн] / М. Р. Қурбонов, Л. М. Мирзаева. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. – 198 б.**

## **“O‘ ZBEK XALQ AMALIY SAN’ATI”**

Ўзбекистон ҳудудида амалий санъат XX-асргача анъанавий бадиий ҳунармандчилик доирасида ривожланган. 1950-йилларда ҳунармандлар комбинатлар, фабрика ва заводларда янги технологиялар асосида ишлай бошлишган. Бу усулда тайёрлаган маҳсулотлар туфайли амалий санъат бадиий саноатга айланди. Чинни заводлари ва тўқимачилик, кулолчилик, гиламдўзлик ва зардўзлик фабрикалари ҳамда комбинатларида амалий санъат буюмлари тайёрланди. 1970 - йилларда кулолчилик, заргарлик, бадиий тўқимачилик соҳаларда янги йўналишлари пайдо бўлиши натижасида амалий санъатнинг ноанъанавий безак санъати шаклланди. Олий ёки ўрта-махсус ўқув юртларни битирган профессионал кулоллар, гобеленчилар, ойнасозлар ўз асарлари билан кўргазмаларда қатнашадилар.

Мазкур ўқув қўланмада ўзбек халқ амалий санъатининг қадимги тарихидан то ҳозиргacha бўлган ҳолати ҳақидаги материаллар қамраб олинган. Нашрнинг ўзига хослиги унда миллий ҳунармандчилик турлари янги фактологик маълумотлар асосида тавсифланганидир. Ушбу қўланма шу йўналишдаги бошқа дарслик, қўлланмалардан маълумотлар илмий асосланганлиги, умумий материалнинг даврлаштириш тамойилларига таяниб, бўлим ва босқичларга бўлингани ҳамда қадимги ва замонавий халқ амалий санъатининг синтез жараёни, замонавий амалий санъат муаммолари, Ўзбекистон ҳудудидаги амалий санъат турлари ва уларнинг ривожланиш динамикаси кенг материал асосида ёритилгани билан фарқ қиласи. Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид фанлардан таълим олаётган олийгоҳ талабалари учун мўлжалланган.



**O‘zbek xalq amaliy san’ati. O‘quv qoillanma / A. Hakimov, Z. Nosirova, Binafsha Nodir. - Toshkent: LESSON PRESS, 2019. - 132 b.**

## “ХУНАРМАНДЛАР ШАҲРИ”

*Хунарни асрарон неткумдир охир,  
Олиб тупроққаму кетгумдир охир.*

Алишер Навоий



Ота-боболаримизнинг карвонлари дунё кезиб халқимиз яратган, ишлаб чиқариш турлари турли туман маҳсулотлардан ўзга халқларни баҳраманд этганлар, бошқа элатларнинг мақбул маҳсулотларини келтириб, юртимизнинг бойлигига бойлик, эл фаровонлигига улкан ҳисса қўшганлар. Шу аснода турли-туман касб – хунарлар, дехқончилик ривожланиб, бир – биридан гўзал буюм ва ашёлар, ноз-неъматлар яратилган.

Яхши касб эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида жуда катта фойда келтиради. У фароғатга, камолотга етади ва хунар туфайли иззат – икром топади. Халқимизда илму-хунар ҳамиша улуғланиб келинган. Илмли, хунарли бўлишга доимо ота – боболаримиз томонидан даъват қилинган. Қадимдан миллатимиз фарзандларини саводини чиқариш, хунарли қилиш учун энг яхши усталарга шогирдликка берганлар.

Ушбу рисолада ёшларни касб – хунар ва тадбиркорликка ўргатиш борасида Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри хунарманлари устоз ва шогирдлик анъаналарини авайлаб, такомиллаштириб, ривожлантираётганликлари ҳаётий мисолларда баён этилган. Бу борадаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Ориқова, М. Хунарманлар шаҳри : [Матн ] Ёшларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўргатишнинг Шаҳрихон тажрибаси / М. Ориқова. - Тошкент: Зарқалам, 2006. – 128 б.**

## **“XXI-АСР ЁШЛАРИГА МИЛЛИЙ УРФ – ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ”**


Инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб, энг машаққатли ва энг қийин вазифа – ёшлар масаласи бўлиб келган. Мутафаккир ва алломалар, зиёлилар жамиятнинг ривожи, тинлиги ва хотиржамлигини ёшлар тарбиси билан боғлагани бежиз эмас. Қаерда тарбия масаласи қадрият, анъана билан боғликликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлган. Ёшлар тарбисига эътиборсизлик бўлган жойда эса, инқироз ва ўпир илишлар содир бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги дастлабки фаолиятини айнан ёшлар масаласига кенгроқ эътибор қаратиш, уларга барада имкониятларни яратиш учун муҳим чоратадбирларни амалга ошириш билан бошлади.


Ушбу ўқув – қўлланма миллий урф-одатлар ва уларнинг тарихий моҳити, ўзбек халқи миллий анъаналарининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда миллий урф-одатларнинг ўрни ва уларнинг таснифи, ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлиги таъминлашда миллий тарбия усуллари ва анъаналарининг ўрни, ҳозирги даврда ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари ва йўналишлари, узлуксиз таълим - тарбия тизимида миллий урф-одат ва анъаналардан самарали фойдаланишнинг тарихий ҳамда замонавий-педагогик-психологик омиллари таҳлил этилган.

Кўлланма кенг жамоатчилик оммасига, олий ўқув юртлари талабаларига, семинар тадбирларда, ёшлар билан мулоқот, давра сухбатларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

**Эгамбердиева, Т. А. Раҳмонов, Б. XXI-аср ёшларига миллий урф-одат ва анъаналарни ўргатиш усуллари: [Матн] ўқув услубий қўлланма / Т. А. Эгамбердиева, Б. Раҳмонов. - Фарғона, 2021. – 88 б.**



## **“ЁШЛАРНИ ҚЎШИМЧА КАСБГА ТАЙЁРЛАШГА АНЬНАВИЙ-ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШИШ”**



Маълумки, халқимизнинг ҳаёт тарзига мос ва кундалик турмушда зарап бўладиган юзлаб ҳунарлар “устоз шогирд” усулида авлоддан – авлодга ўтиб ривожлангани, янада такомиллашгани, улар томонидан яратилган маҳсулотлар санъат даражасида баҳоланиб, жаҳонга танилмоқда. Ёшларга касб-хунар ўргатиш ва уларни тарбиялаш борасидаги анъанавий усуллар бугунги кунда ҳам ғоят долзарбдир. Ёшларга касб-хунар ўргатиш ва шу асосда тадбиркорликни ривожлантириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим, чунки ушбу

жараён аҳолини иш билан банд этиш билан бирга жараён қатнашчиларининг турмуш фаровонлигини оширишга, ўзларидаги мавжуд қобилиятни юзага чиқаришга, шунингдек, асрий миллий урф-одат ва қадриятларни авлоддан -авлодга ўтишига ҳам ёрдам беради.


Юртимиз қадим-қадимдан касб маҳорати сир-асрорларини, йиллар давомида ортирилган ҳаётий таржибани авлоддан-авлодга ўтиши урф-одатга айланган. Касб-хунарга ўргатиш ва шу асосда тадбиркорликни ривожлантириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим, чунки ушбу жараён аҳолини иш билан банд этиш билан бирга турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Мазкур услугий қўлланма Андижон давлат университетида бажарилаётган А-1-41 рақамли амалий тадқиқот доирасида тайёрланган бўлиб, ундан қўшимча касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий малака ошириш жараёнида иштирок этаётган устоз-мураббийлар, соҳа ходимлари, касб-хунар мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари, уста-хунармандлар ҳамда кенг жамоатчилик фойдаланишлари мумкин.

**Артиқова, М. Азимова З. Ёшларни қўшимча касбга тайёрлашга анъанавий-замонавий ёндашиш : [Матн] услугий қўлланма / М. Артиқова, З. Азимова. - Андижон: Ҳаёт нашрёти, 2017. – 80 б.**

## “АНЬАНАЛАР ДАВОМИ”

Замонамизнинг энг қўли гул Андижонлик усталари, хунармандлари бўлмиш – ёғоч ўймакор Ўтагенов Йўлбарс, рассом Жўрабоев Абдуллажон, заргар уста Фозилжон Қодиров, миллий чолғулар устаси Мадраимов Абдумалик, нозик дўппилар устаси Казакбаева Ҳалимахон каби Андижоннинг хунарманд усталари фаолиятини акс эттирган каталог “Хунарманд уюшмаси”нинг Андижон вилоят бўлими томонидан тузилган. Уюшма ўзининг атрофига санъатшуносларни, ҳалқ амалий санъати усталарини ва барча хунарандларни жамлаб, аждодларимиз яратиб мерос қолдирган миллий анъаналаримизни ёш авлодга етказиб, унинг давомийлигини сақлаб қолиш учун самарали фаолият юритмоқда.



Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик турлари ўз анъаналарини сақлаган ҳолда ҳозиргача давом этиб, тобора ривожланиб келмоқда. Тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатаётган хунармандлар, ҳалқ амалий санъати усталари ва устозодалар уюшмага аъзо қилиниб, улардан иборат “ижодий гурух” ташкил этилди. Ижодий гуруҳнинг ўз олдига қўйган вазифалари:

Андижон ҳалқ амалий санъатини янада ривожлантириш, устазодалар сонини кўпайтириш, йўқолиб бораётган хунар турларини қайта тиккалаш, “Устоз ва шогирд” мактаблари орқали ёшларга ўз хунар анъаналарини сақлаб қолган ҳолда ҳақиқий мактаб сир-асрорларини ўргатиш. Андижон заргарлик соҳасида болдоқсозлик мактаби, каштачилик соҳасида ўзига хос ироқи чок туралари, мато тўқиши соҳасида “андижонча” бекасам, адрес тўқишини асл нусхалари, ҳамда миллий тўн-чопонларни безашда қўлланиладиган қадимий жияк тўқиши услуби, миллий қўғирчоқ ясаш, пичоқчилик соҳасида ўйма

безакларини қайта шаклланиши кулолчилик мактабида ўзига хос анъанавий усулларини қайта тиклашдир.

Ушбу каталогда Андижон “Хунармандлар уюшмаси”нинг ижодий гурӯҳ аъзолари ҳамда уларнинг ишлари билан танишишингиз мумкин. Нашрдаги маълумотлар ўзбек, рус, инглиз тилида келтирилган.

**Юсупова, М. Аньаналар давоми: [Матн] / М. Юсупова  
Каталог Андижон вилояти “Хунарманд уюшмаси”. – 56 б.**

## “ХУНАРЛИ КИШИ ХОР БЎЛМАС”



Мустақиллигимиз бизга фақат ўзлигимизни эмас, балки миллий хунармандчилигимизга бўлган эътиборни ҳам қайтариб берди. Бугун юртимизда ўзгача рух, ўзгача тароват. Ҳамма жойда ажойиб бир жонланиш. Эркинликнинг мусаффо ва роҳатбахш эпкини кўксимизга тегиб, қуёшнинг шифобахш нурлари кўзларимизни қамаштиради. Ҳаётимизда қайта тикланиш, ўзликни англаш, миллий онг, миллий ғурур ва қадрятларимизнинг уйғониш даври бошланди. Қадимдан буюк инсонлар:

тўмарислар, алномишлару барчинлар, улуғ алломалар, олиму фозиллар, саркардалар ватани бўлган, Аллоҳ назари тушган юртимизда яна минг – минглаб истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Улар эртанги кунимизнинг янада ёруғ, юртимизнинг тинч, дастурхонимизнинг тўкин бўлиши йўлида енг шимариб, ғайрат билан иш олиб бормоқдалар.

Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан миллий қадриятларимиз эъзозланмоқда. Вилоятда яшаб меҳнат қилаётган қўли гул қасб – кор эгаларининг хизматлари нафақат Андижонда, балки бутун мамлакатимизда, ҳатто чет элларда ҳам эътироф этилган.

Мазкур китоб Андижон вилоятининг ана шундай заҳматкаш ҳунармандлари, жумладан, Шаҳрихонлик пичоқ усталари, Булоқбошилик қўли гул чевар, уста қурувчи, кулолчилик санъатининг етук вакили, моҳир ўймакор усталар ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган ҳикоялардан жамланган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Ҳунарли киши хор бўлмас: [Матн]. - Андижон: Ҳаёт, 2001. – 64 б.**

**ҲУНАР ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК – КИШИНИНГ  
ЗИЙНАТИДИР: БИБЛИОГРАФИК ШАРХ / ТУЗУВЧИ Н.  
МУЛАХУНОВА. – АНДИЖОН, 2022. – 12 Б.**